


Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизаҳуллоҳ «Hilol nashr» нашриёт- матбаасига ташриф буюрдилар



14:59 / 09.10.2019 1993

Аввал хабар қилганимиздек улуғ муҳаддис, усулий фақиҳ, баҳрул улум, Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизаҳуллоҳ Ўзбекистон бўйлаб зиёратни бошлаган эдилар. Меҳмонлар Бухоро зиёратидан сўнг Тошкент сари йўл олдилар.

Кеча 2019 йил 9 октябрь куни Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳазратлари «Афросиёб» тез юрар поездида Тошкентга етиб келдилар. Меҳмонлар бир қатор мухлислар томонидан илиқ таассуротлар билан кутиб олинди.

Шу тариқа улуғ муҳаддис, усулий фақиҳ Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизаҳуллоҳнинг Тошкент бўйлаб зиёратлари бошланди.

Улуғ муҳаддис, усулий фақиҳ, Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизаҳуллоҳ бошчилигидаги меҳмонлар пешин намозини адо этганларидан сўнг, фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари асос солган «Hilol nashr» нашриёт-матбаасига ташриф буюрдилар.

Ташриф давомида Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизахуллоҳ нашриёт босмахонаси, ижодий жамоаси ҳамда савдо дўкони билан яқиндан танишдилар.

Сўнгра нашриётнинг мажлислар залида етук олим, баҳрул улум Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизахуллоҳ билан учрашув бўлиб ўтди.

Ташриф асносида улуғ муҳаддис, Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизахуллоҳ тадбирга йиғилганлар билан суҳбатлашдилар.

Суҳбат аввалида баҳрул улум Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизахуллоҳ устозимиз, фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг илмий мерослари ҳақида сўзлаб берди.

Учрашув давомида Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизахуллоҳ «Сунани Термизий»дан ҳадислар ўқиб, шарҳлаб бердилар. Шунингдек, ҳадисларнинг асл моҳияти, ҳадис илмининг илмий-назарий асослари ҳақида батафсил маълумот бердилар.

Тадбирга йиғилган олиму уламолар, устозу талабалар ҳамда мухлислар улуғ муҳаддис, усулий фақиҳ, баҳрул улум, Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизахуллоҳнинг файзли суҳбатларидан баҳраманд бўлишди. Суҳбат ўзгача бир муҳаббат ва эҳтиром руҳида ўтди. Шу сабабдан ҳам учрашув барча йиғилганларда унутилмас таассурот қолдирди.

Кейинги зиёратлар ҳақидаги янгиликлар билан islom.uz портали ва унинг ижтимоий тармоқларидаги расмий саҳифалари орқали хабардор бўлишингиз мумкин.





